

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

28 май, чоршанба, 1997 йил

Сотува эркин нархда. № 114 (1631)

МАВСУМ ТАРАДДУДАН БОШЛАНАДИ

Мана, икки йилдирки, Фарғона вилояти меҳнатқашлари галла мустақиллиги йўлида астойдил савй-ҳаракат қилишяпти. Бу йил 92 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43,5 центнердан ҳосил олинди, омборларга 400 минг тоннадан зиёд қирмизи дон тўкилади.

БУГУННИНГ ГАПИ

Бепоев галлазорларда бошоқлар кун сайин донга тўлмоқда. Бугун-эрта барака пайкаллари олтин тусга кириб, галлакорларни шошириб қўйиши ҳеч гап эмас. Шу боис вилоятда мавсумга пухта тайёргарлик қўриляпти. Йиғим-теримда асқотадиган ўриш, янчиш, йиғиштириш техникалари жадал ҳозирланмоқда. Илгари техникаларни назорат ва қабул қилиш махсус комиссия зиммасида бўлса, энди бу вазифа вилоят ҳокимлигининг доимий эътиборида турибди.

Галла ҳосилини қисқа муддатларда йиғиштириб олиш борасида, айниқса, Бөгдод туманида яхши тажриба тўпланган. Жорий йилдан бошлаб бу ерда ўрим-йиғимни таш-

кил этишни туман машина-трактор парк УЗ зиммасига олди. Шу мақсадда жамоа хўжаликларига 53 та комбайн ижарага берилди. Мазкур комбайнлар хўжаликларнинг паркидаги маркалашган устахонада таъмирлашдан чикарилди.

Ўтган йили машина-трактор парк иккита «Кейс» комбайнини харид қилган эди. Бөгдодликлар бу замонавий техникаларни бийонидек ишлатишини эмас, балки уларни сошлаш, керак бўлса, таъмирлашни ҳам яхши ўзлаштириб олишди.


— Бултур янги машина ёрдамида 1500 гектардан зиёд майдондаги ҳосилни саранжомлаб бергандим, — деди «Кейс» комбайни ҳайдовчиси Алижон Мамамов. — Бу оз эмас, кўп эмас, икки хўжаликнинг галлазорига тенг. «Кейс» жуда бизбоп ма-

шина экан. Юқори унум билан ишлаш билан бирга, оддий комбайнларга нисбатан икки баробар ёнилгини кам сарф қилади. Бу йил камидан 2000 гектардан кўпроқ галлазордаги ҳосилни ўриб-янчиб олишни кўзлаб турибман.

Туман бўйича эса ўрим-теримни 15 иш кунда тугаллаш мўлжалланмоқда. Ҳар бир комбайнга иккитадан тележка бириктирилади. Комбайнчиларга эса бир хил ишчи коржомаси берилди. Машина-трактор парк қошидаги тикувчилик цехининг чевар қизлари ана шу замонавий ва қулай кийимларни аллақачон тайёрлаб қўйишган.

Бошқа туманларда ҳам мавсумга пухта тараддуд қўриляпти. Хусусан, бешариқликлар тўрта «Кейс» ва 42 та эски русумдаги комбайнларни кўрик чизигига келтириб қўйишди. Улар кўмагида 7370 гектар майдондаги галла тез ва соз йиғиштириб олинди.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Яқинда Ўзур туманида Марказий Осиёда биринчи пропан-бутан газ аралашмаси олиш қуралмаси ишга туширилди. «Шуртангаз» газ қонлари бошқармасига қарашли ушбу қуралма Ўзбекистон, Украина, АҚШ, Россия мамлакатларида тайёрланган ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, йилга 3 миллиард кубометр газ, 60 минг тонна пропан-бутан газ аралашмаси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Янги қуралманинг ишга туширилиши аҳолини газ билан таъминлашда яна бир энгиллик яратди.

СУРАТЛАРДА: янги қуралманинг умумий қўрилиши; муҳандис И. Норчаев (ўртада), операторлар О. Матиевский ва Б. Бўринов; машинист И. Жўраев.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар.

ВАЗИРЛИККА ТАШРИФ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бельгиянинг Лувьен университети қошидаги Европа сисбати институти директори Кетлин Мелфит Ўзбекистон Адлия вазирлигига ташриф буюрди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон Адлия вазир С. Мирсафоев, Тошкент давлат юридик институти ректори Ҳ. Бобоев Ўзбекистонда юрист кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ҳуқуқий таълим тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлади.

Учрашувда мамлакатимиздаги ҳуқуқий таълим масканлари фаолиятини янада яхшилаш мақсадида қатор Европа давлатлари ҳуқуқшунос олимлари билан ҳамкорлик алоқаларини кенг йўлга қўйиш, бу борда махсус семинарлар ўтказиш ҳамда тажриба алмашишга келишиб олинди.

Абдухшом МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

УШБУ СОҲБА

2-бет

БОҚИМОНДАГИ

ҲУҚУҚИЙ АДОЛАТ МЕЗОНЛАРИ

3-бет

БЕШИК



4-бет

ТУШАРИМГА ТОШКЕНТ КИРАДИ



ТОШКЕНТ КИРАДИ



РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида ҳуқуқ-тартибот ходимларининг малакасини ошириш, халқимиз ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида бағишланган йилги бўлиди. Унда Президент Ислам Каримовнинг инсон ҳуқуқини муҳофаза қилишга дахлдор ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, омивий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда ўртага қўйган вазифа-

лар муҳофама этилди. Йилгилини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Б. Бекмурзаев бошқарди.

Йилгилида сўзга чиққанлар юртбошимиз томонидан прокуратура ходимлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатганини қайд этдилар. Хусусан, ислохотлар жараёнида ҳаётимизнинг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш лозим. Айниқса, демократик давлат қуришининг асосий та-

мойилларини ҳаётга татбиқ этиш, демократиянинг муҳим жиҳати — инсон ҳуқуқларини таъминлаш муқаддас ишдир.

Мажлис қатнашчилари давлатимиз раҳбари учрашувда кўрсатиб ўтган камчиликларга барҳам бериш, прокуратура ва тергов ходимларининг малакасини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Барча қўйи прокуратура органларига ходимлари учрашувда кўтарилган масалалар билан чуқур таништириш вазифаси топширилди. Улардан зарур ҳулосалар чиқариб, амалий ишда қатъий риоя қилиш лозимлиги таъкидланди.

(ЎЗА).

ҚАРОР ВА ИЖРО

НАВБАТ — АМАЛИЙ ИШГА

Бухоро шаҳрида фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашни тубдан яхшилаш мақсади билан Бухоро вилояти ҳуқуқий гуруҳининг сайёр мажлиси бўлиди. Бу гуруҳ Олий Мажлис Кенгашининг қарори билан тасдиқланган эди. Мажлисини ишчи гуруҳи раҳбари — Конституцион суд раиси Б. Эшонов бошқарди.

Мажлисида демократик янгилинишларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини, фуқаролар эркинликларини муҳофаза қилишни ва кафолатлашни кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ҳуқуқини муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, омивий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқи асосида ҳуқуқ маданиятини ошириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди ва муҳофама қилинди.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш, фуқароларнинг юридик жиҳатдан хабардорлиги, давлат аппарати, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлат органларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳуқуққа доир ахборотлар билан таъминлаш, шунингдек, қабул қилинган қонунларнинг моҳиятини аҳоли кенг табақалари орасида мунтазам ва чуқур тушуништириш демократик ўзгаришларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим омиллари экани таъкидланди.

Мажлисида Бухоро вилояти ҳокими С. Хусенов сўзга чиқди.

(ЎЗА).

САТРЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қилади

ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШ КАТТА


Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтида Американинг «Атлантика кенгаши» ноҳукумат ташкилоти делегацияси билан учрашув бўлди. Делегацияга шу ташкилотнинг вице-президенти Ч. Фримен бошчилик қилмоқда.

Бу ташкилот Тинч океани минтақасидаги давлатлар билан мулоқотни йўлга қўйиш дастурлари билан машғурдир. Жаноб Ч. Фримен делегациянинг мамлакатимизга ташри-

фи мақсади хусусида гапирар экан, «Атлантика кенгаши» Марказий Осиёдаги сиёсий барқарорлик нуамолари ҳамда Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлиги истиқболли қизиқтиришига алоҳида тўхтади.

Учрашувда «Атлантика кенгаши»нинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти билан ҳамкорлик тўғрисидаги таклифлари баён қилинди.

ХИРМОНГА БАРАКА



Навоий вилояти галлазорларида мўл-кўл ҳосил этиштирилди. Далаларга ҳозирданқо комбайн олиб чиқилди. Жорий йилда қарий 35 минг гектар суғориладиган, 10 минг гектар лалми ердаги галла ўриб-янчиб олиниши керак. Шу мақсадда 219 та комбайн, шу жумладан, 16 та «Кейс» агрегатлари мунтазам илгари ишга шай қилиб қўйилди. Айни кунда Қизилтепа, Навбахор, Хатирчи, Нурота туманлари далаларида ўрим суръати ортмоқда. Навоийликлар бу йил ялпи хирмонга 120 минг тонна галла топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

ЯНГИ ЛОЙИҲА

Янги йўл шаҳрида 12 минг рақамли уяли телефон станцияси иш бошлади. Бу билан вилоятда дунёнинг илгарили нуктаси билан боғлиниш имконини берувчи замонавий алоқа тармоғи пайдо бўлди. Вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш бирлашмаси Жанубий Кореянинг «ДЭУ-телеком» компанияси билан ҳамкорликда жами 45 минг рақамга эга замонавий телефон станцияларини ишга туширишни режалаштирган.



ВАТАН МАДҲИ



Бу йил Ўзбекистон кўшиқ байрами Ижтимоий таъминот вазирлигида ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Тошкент шаҳар, вилоят ижтимоий таъминот бошқармалари ҳамда тизимдаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлиб ўтган дастлабки кўрик-танловларнинг голиблари янгаловчи босқичда мусобақалашини учун пойтахтдаги «Нуронийлар оромгоҳи»га тўланди.

Ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат гошларини акс эттирувчи кўшиқлар янгради. Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ижтимоий таъминот бўлими ходими Шаҳноза Боева «Хумо» кўшиғи учун голиб бўлиди.

«КУМУШ ТОЛА» ХИРМОНИ

Самарқанд вилоятидаги Пахтачи тумани пиллакорлари йиллик маррани забот этдилар. Қабул пунктларида 193,6 тонна ўрнига 195 тонна «кумуш тола» етказиб берилди. Туман бўйича ҳар қутти илақ қуртдан 51,5 килограммдан хомаш йиғиштирилди. Бу ютуқда, айниқса, Охунбобоев номи, «Оқтепа», Шомурод, Каҳҳоров номи, Рузикул Маҳмонов номи ҳамда хўжаликлар пиллакорларининг ҳиссаси салмоқли бўлди.



Меҳнат ахли яна 15 тонна пилла топшириш, ялпи ҳосил нилдорини 210 тоннага етказиш йўлида меҳнат қилмоқда.

(ЎЗА).



XII ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ КУНДАЛИГИ

ТУШЛАРИМГА ТОШКЕНТ КИРАДИ



Кинофестиваль тугаётир. Кунларни ҳисоблаймиз. Саккиз кун нима деган гап? Утади-кетди. Лекин...

Бир умр антикиб эсламоққа арзирли воқеалар кўп бўлди, десак ишонаверинг. Қадимий Самарқанд сафари ҳақидаку, меҳмонлар ҳалиям суюниб-суюниб гапириб юришибди. Пойтахт билан яқиндан танишмоққа орзуманд бўлиб келганлар бўлса, эрта тонгдан то шом-гача Тошкентни айланишади.

Кеча эса Хиндистон, Эрон, Туркменистон ва Қозоғистон киночилари халқаро фестивалга тақдим этган фильмлар таассуротлари хусусида бўлиб ўтган матбуот конференцияси арасида меҳмонлардан бири биздан сўраб қолди: «Маҳаллаларга қачон борамиз? Тезроқ борсайдиқ. Тўғриси, жуда кизиқаямман-да. Негаки, шарқликлар ҳаётини фақат китоблардангина биламан, холос. Мана энди ўз кўзим билан кўрдим. Ҳақиқатан ҳам бу юрт бетакрор экан. Тушларимга энди фақат Тошкент киради...»

Бу эътироф замирида кечаги Ўзбекистон ҳақида эмас, балки кейинги беш йил орасида амалга оширилган оламшумул тарихий ўзгаришлар хусусида айтилган ҳақиқат бор эди. Чунки IX-X кинофестивалларда катнашган ва бугунги Тошкентни кўриб, кўзларига ишонмаётган хорижликлар мамлакатимизнинг имкониятлари ниҳоятда катта эканлиги қисқасгина шу мuddатда бирдан кўринганини очиб айтдилар ҳам. Айнан миллий санъат, қолаверса, миллий киномизнинг бугунги аҳоли яхшиланаётганини кинофестивалда намойиш этилган иккита фильмимиз исботлаганини алоҳида қайд этишди.

қайд этишди.

Уша кунлик америкалик машҳур актёр Кил-патрик ярим ҳазил, ярим чин маънода: «Мен Ўзбекистонга фақат ўзбек фильмларини кўргани келдим». — деди кулимсираб. Франциялик журналист Туравал бўлса, анжуманга кечикиб келгани учунмас, балки «Буюк Амир Темури» фильми намойишига етолмаганидан ўқинди...

Душанба кунини Ўзбекистон Республикаси киноарбоблари Алишер Навоий номли Санъат саройидаги «Жон клуб»да кинофестиваль иштирокчилари учун яна бир кизиқарли кеча уюштиришди. Унда тиллар эмас, диллар дардлашди, десак лоф бўлмас. Ўзбек кўшиқлари янграганида, япон ёки хинди қараб турмади. Миллий ўзбек чопони ва дўпписини кийиб олиб, бармоқларини қарсиллатиб ўйинга тушган машҳур рус режиссёри Евгений Матвеевнинг қувончи ҳаммага юкди.

Бахслар, гурунглар давом этапти. Хеч ким сахна ёки давралардан «чарчадим, зерикдим» деб чиқиб кетаётгани йўқ. Аксинча, ўзини кизиқтирган ва ўйга толдираётган саволларга ана шу давралардан жавоб излаётир. Биз, журналистлар учун ўтказилган матбуот конференциясида баҳс юритилган фильмлар ҳақида батафсил тўхталмадик. Бонси, бу кинолар ҳақида муҳлислар ўзларининг ҳолис баҳоларини айтишапти.

«ЯПОНИЯДА КЎРСАТАМИЗ»


XII Тошкент Халқаро кинофестивали доирасидаги кино бозори ишида катнашиш учун келган япониялик кино тарқатувчи Такаши НИВА шундай хикоя қилади:

Молдовалик кино ижодкорлар бозорга «Жар ёқасидаги танго» ва «Қочоқ» номли фильмларни олиб келишган. Продюссер Николай Ромашконинг айтишича, мазкур картиналарни Ўзбекистон ва Жанубий корейлик кино тарқатувчиларга сотиш ҳақида мулоқотлар олиб борилмоқда.

КИНО БОЗОРИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Эронлик Абулқосим Яздий Форобий номли киножамағарнинг кино тарқатиш масалалари бўйича бошқармаси бошлиғидир. У киши бизга куйидагиларни гапириб берди:

— Эрон кино театрларида ҳар йили 30-40 та атрофида чет эл фильмлари намойиш қилинади. Бундан ташқари, телевиденида қарийб 60 та хорижий телефильм ва сериаллар кўрсатилади. Фильмларга қизиқиш анча юқори даражада, чунки мамлакатда параболик антенналар қўллаш мумкин эмас. Видеонинг таъсири натижасида кейинги йилларда кино театрларга борувчилар сони бирмунча камайиши кузатишмоқда. Кино бозорига ўзбек фильмларини танаб, сотиб олиш учун ташриф буюрганмиз.



Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ.

— Мен турмуш ўртоғим билан Франциянинг Канн кинофестивалидан Тошкентга тўғри келдим. Япония ҳукумати дастури асосида миллий урф-одатлар ва анъаналар ҳақида ҳикоя қилувчи ўзбек фильмларини танаб ва сотиб олиш масалаларини муҳокама қилиш мақсади билан фақат Москвадаги «Совэкспортфильм» шугулланганлиги сабабли, ўзбек фильмларини сотиб олиш имконига эга эмас эдик. Чунки ҳалдан ташқари қиммат баҳо сўраларди. Атиги битта ўзбек фильми мамлакатимизда намойиш қилинган, холос. Энди эса бевосита ўзбек кино ижодкорлари билан мулоқотда бўлиб, турли мавзулардаги фильмлар сотиб олиш ниятидамиз.

БЕҲЗОД МУҲАММАДКАРИМОВ: «ОРЗУИМ УШАЛДИ»

Маълумки, XII Тошкент халқаро кинофестивалида ўзбек кино усталари яратган «Буюк Амир Темури» фильми ҳам конкурс асосида намойиш этилди. Биз анжуман кунлари мазкур фильмда бош ролни ижро этган истеъдодли актёр БЕҲЗОД МУҲАММАДКАРИМОВ билан гурунглашдик.

— Сизни Амир Темури ролга таклиф этишганида, қандай фикрлар ҳаёлингиздан кечди?

— Яширмайман, энг катта орузим кинода буюк жаҳонгир бобомиз образини яратиш эди. Шу боис ҳам фильмдаги бош ролга мени таклиф этишганида, бундай қутилмаган бахтдан бошим осмонга етди. Шунинг баробарида, ҳажжоним ҳам чексиз эди. Ахир, улуг саркарда образини тўлақонли равишда экранга олиб чиқиш актёрдан катта маҳорат, билим ва тажриба талаб этади. Яхши биласизки, халқимиз Соҳибқирон бобомиз билан жуда фахрланади. Шундай бўлгач, улар менинг ролимга ҳам ўта талабчанлик билан муносабатда бўлишларини яхши билардим.

— Ҳўш, шундай экан, фильмда суратга тушиш чоғида кўпроқ нималарга эътибор бердингиз?


— Соҳибқирон образини кинода жонлантириш — мен учун ниҳоятда мураккаб, машаққатли кечди. Мен даставвал Амир Темури ҳаёти ва саркардалик фаолияти хусусида ҳикоя қилувчи қўлаб тарихий ҳамда замонавий асарларни мутлола қилдим. Республикаимиздаги таниқли темиршунос олимлар билан суҳбатлашиб, уларнинг бу хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўргандим. Бу эса менинг Амир Темури шахси ҳақидаги тасаввурларимнинг янада бойишига ёрдам берди.

— Ролингиздан ўзингиз қониқиб ҳосил қилдингизми?

— Ҳарқалай, «Буюк Амир Темури» фильмидеги ижро этган ролим шахсан ўзим учун шу пайтгача кинода яратган образларим орасидаги энг сеvimлисидир. Барибир, ҳақиқий баҳони томошабинлар беришади, деб ўйлайман. Урни келганда, яна бир гапни айтиб қўймоқчиман. Фильмни суратга олиш жараёнида режиссёрлар Исмаил Эргашев ва Баҳо Содиқовлар менга яқиндан ёрдам беришди. Улардан бениҳоя миннатдорман.

— Фильмнинг кейинги серияларини қачон экранда кўришимиз мумкин?

— Биласизки, томоша-



бинлар ҳукмига ҳавола қилинган ушбу фильмда Соҳибқирон бобомизнинг 35 ёшигача бўлган ҳаёти, яъни ҳокимияти ўз илгани олғунигача бўлган давр тасвирланган. Ул зотнинг музаффар юришлари ва соҳибқиронлик ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи кейинги икки серияларининг ҳам сценарийлари ҳамда тайёргарлик юмушлари ниҳоятга етказилган. Насиб этса, яқин келажакда уларни суратга олиш ишлари бошлаб юборилса керак.

— Уша серияларда ҳам бош ролни ўзингиз ижро этадингизми?

— Буни режиссёрларимиз

ҳал этишади.

— Кинофестивалда «Буюк Амир Темури» фильми ҳам конкурс асосида намойиш этилди. Унга ҳақамлар қандай баҳо беришаркин, деган ўй сизни безовта қилмайтими?

— Аввало, фильмимизнинг фестивал конкурсига танаб олинганлигининг ўзи унга берилган юксак баҳодир, деб ўйлайман. Қолаверса, уни томоша қилган кўпчилик хорижлик ҳамкасбларимиз бизнинг ютуқларимизни самимий эътироф этишиб, дилдан табриқлашди. Ижозатингиз билан саволингизнинг қолган қисмини очиб қолдирасан.

— Айтинг-чи, ушбу фестивал ёш киноактёр Беҳзод Муҳаммадқаримовга нима берди?

— Жуда кўп нарса. Мисол учун, шу кунлар давомида дунёнинг турли чеккаларидан келган ҳамкасбларимиз билан ўзаро ижодий мулоқотларда бўлиб, тажриба алмашдик. Уларнинг киносанъати тараққийди, бу борадаги ютуқларидан воқиф бўлдик. Янги-янги дўстлар орттирдим... Фестиваль лаҳзалари актёр Беҳзод Муҳаммадқаримов хотирасида бир умрга муҳрланиб қолажак.

— Анжуман мобайнида ёрқин таассурот уйғотган

қандай воқеаларга дуч келдингиз?

— Хорижлик дўстларимизнинг Самарқанд зиёратидеги ҳамроҳлик қилган эдим. Биласизми, бу ерда уларни иккита жиҳат ҳар қадам ҳайратга солиб турди. Булар — халқимизнинг бой тарихи ҳамда ўзбек элининг меҳмондўстлиги! Мен эса ана шундай буюк ўтмишга эга бўлган, оқ кўнгли халқнинг фарзанди эканлигимдан жуда-жуда гурунландим.

...Ким билан суҳбатлашмайлик, бирданга сўрайдиган саволи шундай: «Сизнинг-ча, қайси фильм голиб деб топиларкин-а?». Ўйлаб қолсан, киши. Бизнинг-ча, Тошкент кинофестивалига ўз фильмларини тақдим этган ҳамма мамлакат киночилари ўз фильмларининг голиб бўлишини чин дилдан истайди. Майли, ҳозирча бирон-бир фильми яхши ва ёмон дейишдан тийилмайлик. Баҳони, аввало, холис жюри ҳайъати аъзолари айтди. Чунки бизнинг ҳаммамиз томошабинмиз...

Норқобил ЖАЛИЛ, Фафур ШЕРМУҲАММАД, Тулқин КАРИМОВ, (суратлар) «Халқ сўзи» мухбирлари.

(Давоми. Боши 3-бетда).

Бешик, биласиз, сербубўк бўлади. Хуусан, дастасини ҳар турли рангга бўйидилар. Дунёда етти хил ранг бор. Камалак ҳам етти рангга жилваланади. Эскилар бешикнинг дастасига ҳам айнан етти хил бўёқ ишлатганлар. Бола тепага — дастага қараб ётар экан, кун-бақун рангларини бир-бирдан ажратишни ўргана боради. Даста ўйинчоқлар осиб қўйиш учун жуда қулай. Уста бешикчилар дастанинг бош устига тўғри келадиган ерида иккита шикдлик қиладилар. Шикдлик — бешикнинг ўз ёғочидан кесиб, жойида қолдирилган гилдиракча. Бола уни айлантириб, ўйнаб ётади.

Буларнинг бари — санъат. Ута миллий санъат. Уста билан суҳбат дўкондан ҳовлига кўчди. Ўйил бешик ясайди. Ота бозордаги дўконда ўтиралдилар. Бир жиянлари — Баҳодир Қурбонов ҳам тоға касбини танлаган. Асли Тошкент техника университетини тоғкон факультетини ўқийди. Дардан кейин уйига — устахонасига югуради. Бешик ясайди.

— Хунарманднинг боласи бекор юрмайди, — дейдилар Қолирхўжа ака, ўғиллари билан жиянлари меҳнатидан мамун эканликларини сездириб. — Худо бекор юрганлардан асрасин... Рост: ҳамма бало бекор-

БЕШИК

чиликдан чиқади. Хунар меҳнат талаб қилади. Айтилик, бешикнинг бош ва оёқ тарафдаги ёйсимон тахтаси — эъмоҳни эгитишнинг ўзи бўлади, дейсизми? Катта, узун, нуқур тоғорада сув қайнаб ётибди. Пайраҳалар — тайёр ўтин. Эъмоҳлик тахта камиде икки соат қайнатилди. Шунда осон эгилди.

Маҳорат шу даражадаки, устахонада чиқит йўқ. Қирқим ёғочлардан қизалоқларимиз учун ўйинчоқ бешикчалар ясалади. Ана шу маҳаллий ўйинчоқларимиз ҳам мурғак қалблар туб-тубига қанчалар миллий ҳис-туйғулар муҳраётганини айтмайсизми?!

Ийгиларнинг чаққонлиги, ота-боболардан келаётган ажиб хунарни санъат даражасига кўтарганларига ҳавас қиласиз. Кўз олдингиздан бекорчиликдан кўнглининг кўп бемалъийи кўчаларига кириб юрган ёш-ҳатто молиявий тарафдан ҳам кулай: асосан, хориждан келтирилатган араванинг энг арзони — икки, яхшиси — ўн бешикнинг пули.

шундан тирикчилик қилиш, шу тарихда жамиятнинг бир қорига яраш, оруз-ҳавас қуриш мумкин эмасми?

— Усталар билан бозорда хайрлашамиз. Дўконларнинг шундоққина ён-вериде савдо авжиде — у ерда дунёнинг турли кунжақларидан келтирилган моллар сотилди. Бугунги чет эл сановати болалар учун пакеклар ишлаб чиқаради. Улар болани кўча-кўйга олиб чиқишда, кечаси ётишида мўлжалланган.

Бир комплекс пакет бир бешикнинг пули экан. Катта комплекта 36 та бор. Бир бешик ўн болани тарбиялайди, 36 пакет 10 кўпга етарикан! Бизлар Фарога тақдидан қилиб, болаларини уйда ҳам кўча-кўйда олиб юришга мўлжалланган аравачада ётқи-зишни олат қилганлар. Ҳолбуки, бешик фақат тиббий-ижтимоий жиҳатлардангина эмас, ҳатто молиявий тарафдан ҳам кулай: асосан, хориждан келтирилатган араванинг энг арзони — икки, яхшиси — ўн бешикнинг пули. Олдиндан оққан кўп суварларнинг қадрини энди билди-

эртакни айтиб беради: Шоҳдор она буги оиланинг тўнчиқ фарзанди учун шоҳлариде бешик келтирди.

Ҳаётда эса... Бола ич-ичидан шоҳдор она бугининг бефарзанд Уроқул билан Бекей холага сеҳрли бешик олиб келишини оруз қилади...

Бешик бу асарда миллат рамзи бўлиб келган. Адиб шўролар ҳукмронлик қилган ўша мустабид замонда туриб: «Бешигини йўқотмаган халқ сира ўлмайди!» — деган гофия соҳир бадиият билан баралла айтган. Маълум халқлар эришган мустақиллик бу фикрнинг тасдиқиди.

Бешик — жуда кўп миллатлар, хуусан, Марказий Осиё халқлари ўзаро бирлигини билдириб турадиган бир рамзий тисмоал ҳам. Чунки... Бешиги бирнинг эшити бип!

6. БЕШИК — ВАТАН

Халқ бешикни ҳам, Ватани ҳам мўқаддас билади. Бешикни икки киши кўтармайди... Бешик ётқиқисиз, яъни говрапшисиз қолдиримайди... Бешик буш ҳолича теб-ра-

тилмайди. Нега? Чунки у тирик болага макон!

Бешик устидан ҳатланмайди.

Нега? Чунки унда ОДАМ ётади! Булар — халқнинг бешик ҳақулиги тасаввурларидан бир чимдигина, холос. Ўзбек бешигини билан ҳақиқ равишда фахрланади. Сабаби — бу бешикдан жаҳоннинг манаман деган қавми ҳам ҳавас қилса арзийди не-не буюк зотлар чиққан!

Ижод аҳли учун бешик — ўта зўр бир миллий тисмоал! Истеълоли расом Бахтиёр Туравсинг «Бешик олиб кетаётган момо» деган асари бор. Бу расмини Вафо Файзулло жуда шоирона таърифлаган: «Бешик олиб кетаётган момо». Буни ҳамма ҳар хил тушунади. Бир бешикни у нафрасига олиб кетаяпти, деб ўйласа, кимдир кампирнинг ўткен йўқ деган ҳам кўчасига кирди. Аммо тасвирдаги момо ва бешик рамз бўлса-чи! Момо — мози, бешик баҳор — келажак ўтов. Момо келажак сари Ватани олиб бораётгани... («Бешик», 1997, 1-сон, 52-бет).

Демак, расмом ҳаёлида бешик — ВАТАН. Биз ўтиб кетаверимиз. Бешик қолади! Биз ўтиб кетаверимиз. ВАТАН қолади. Йўқ! БЕШИК ва ВАТАН бор бўлса, биз ҳам бормиз. Султоғмурод ОЛИМ.

Ташкилот сотади:

- 1. Тахталанган пўлат - 1.5 мм., 22.0 т.
2. Тахталанган пўлат - 1.0 мм., 130.0 т.
3. Заггламайдиган пўлат - 1.0 мм., 1.0 т.
4. Алюминий профили - 1.5 т.
5. Курилий михи - 70-80-100 мм., 10.0 т.
6. Кесими "Т" шаклида икки томонлама устуи -30 мм., 10.0 т.
7. Қайта профиланган арматура - Д16СТ 5 ГС, 10.0 т.
8. Қайта профиланган арматура - Д18СТ 5 ГС, 5.0 т.
9. Қайта профиланган арматура - Д14СТ 5 ГС, 20.0 т.
10. Қайта профиланган арматура - Д12СТ 5 ГС, 20.0 т.
11. Асинхрон электр двигатели - 3.2 кВт 1400 айл/мин., 16 дона
12. Асинхрон электр двигатели - 1.32 кВт 1380 айл/мин., 30 дона
13. Асинхрон электр двигатели - 400 Ватт 1400 айл/мин., 150 дона
14. Электр насос АНЦ-150/400, 1 дона
15. Электр двигател 60 кВт. 1400 айл/мин., 1 дона

ТЕЛЕФОН: 61-89-59, 64-09-38.

Ўзбекистон Республикасини Фанлар академиясини президенти, механика, бошқарув жараёни ва информатика фанлари бўлими Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Х. Фозилова рафисан

Муаввара ЕКУБОВАнинг вафот этганини муносабати билан чўқур тазия билдирилди.

Ўзбекистон Республикасини Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги жамоаси «Андижонэкспресс» ушбулик ўзбекистондаги фирма директори Кўбуло МУХТОРОВнинг вафоти муносабати билан маркумининг оила аъзоларига чўқур тазия ихдор қилди.

Тошкент кимё-технология институтини жамоаси фундаментал фанлар факультетини декани ўринбосари, доцент А. Жалилова онаси БАҲРИХОН яннинг вафоти муносабати билан чўқур тазия ихдор қилди.

Халқ Сўзи
НАРОДНОЕ СЛОВО
Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Хўж ва қонунчилик 36-37-85;
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;
Магнавиат 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0298, 40,290 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А-2
Газета ИВМ компьютерида терилди ва оператор Рустам АЗИМОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — А. Абдурахмонов, Муасхўҳ — А. Худойкулов.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манлиги: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Боснига тошириш вақти—21.00 Боснига тошириш вақти — 22.35 1 2 3 4 5 6